



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 11 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 11

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№11 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-11>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Азизов Аброржон Салиджанович НАЛОГОВЫЙ МОНИТОРИНГ КАК АЛЬТЕРНАТИВНАЯ ФОРМА НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРАВОВАЯ СУЩНОСТЬ И ОТЛИЧИЯ ОТ НАЛОГОВЫХ ПРОВЕРОК.....	5
2. Norboyev Bobur Aliqul o‘g‘li O‘ZBEKISTONDA YER KADASTRING HUDUDIY RIVOJLANISH TARIXI.....	13
3. Каримов Темур Мамарахим ўғли ЮРИДИК ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИШ СТАЖИНИНГ СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА.....	22
4. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich HUQUQNI MUXOFAZA QILUVCHI ORGANLARIDA KADRLAR ZAXIRASINI SHAKLLANTIRISH DASTURINI ISHLAB CHIQUISH VA UNI TASHKIL ETISH TARTIBI.....	30
5. Nurumov Dilshodbek Djumabayevich ADVOKATNING ISHONCH BILDIRUVCHI SHAXS (HIMOYA OSTIDAGI SHAXS) BILAN MUNOSABATLARINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI.....	40
6. Сафаев Мансурбек Илхомжонович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР.....	48
7. Зокиров Шерзод Илхом ўғли ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	57
8. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich JINOYATLARNI KVALIFIKATSIYA QILISH ALGORITMI: NAZARIY VA AMALIY JIHATLARI.....	65
9. Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ПРЕВЕНТИВ ЖИХАТЛАРИ.....	76
10. Najimov Miratdiyin Shamshetdinovich O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT QONUNCHILIGIDA OILAGA VA YOSHLARGA QARSHI JINOYATLAR TUSHUNCHASI VA ULARNING IJTIMOIIY XAVFLILIGI.....	90
11. Файзуллаев Шавкат Файзуллаевич ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИНИ ҚЎЛЛАШ.....	99
12. Nuratdinov Srajatdin Kamalatdinovich XORIJ DAVLATLARINING OMMAVIY TARTIBSIZLIKLAR PROFILAKTIKASINI AMALGA OSHIRISH BO‘YICHA TAJRIBASI.....	109




12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Файзуллаев Шавкат Файзуллаевич,
 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
 Академияси мустақил изланувчиси
 E-mail: fayzullayevshavkat0@gmail.com

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИНИ ҚЎЛЛАШ

For citation: Fayzullaev Shavkat Fayzullaevich. APPLICATION OF VIDEOCONFERENCING MODE IN PRE-TRIAL PROCEEDINGS. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 11.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17637249>

АННОТАЦИЯ

Мақолада видеоконференцалоқа режими тушунчаси, уни қўллаш хусусиятлари, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, суриштирув ва дастлабки терговда ундан фойдаланишнинг афзалликлари, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда қўлланган қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чораларини узайтиришда фойдаланилмаётган имкониятлар, аёллар ва вояга етмаган жабрланувчилар хавфсизлигини ишончли таъминлаб, объектив кўрсатувлар олишда видеоконференцалоқа режимининг аҳамияти, хорижда бўлган процесс иштирокчилари билан боғлиқ тергов ҳаракатларини масофадан туриб ўтказиш имокниятлари, халқаро топшириқларни қисқа муддатда ижро этиш, мавзу доирасидаги илмий қарашлар ва хорижий тажрибалар таҳлил қилиниб, қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: видеоконференцалоқа, тергов ҳаракатлари, эҳтиёт чораси, далил, суриштирув, дастлабки тергов, талаблар, онлайн режим.

Файзуллаев Шавкат Файзуллаевич,
 Самостоятельный соискатель Академии
 Министерство внутренних дел Республики Узбекистан
 E-mail: fayzullayevshavkat0@gmail.com

ПРИМЕНЕНИЕ РЕЖИМА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦСВЯЗИ В ВЕДЕНИИ ДЕЛ ДО СУДА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается понятие видеоконференцсвязи, особенности ее применения, законодательство и правоприменительная практика, преимущества использования в следствии и предварительном расследовании, возможности применения при использовании меры пресечения в виде заключения под стражу, показана важность режима видеоконференцсвязи в получении объективных показаний, обеспечении безопасности

женщин и несовершеннолетних потерпевших, возможности дистанционного проведения следственных мероприятий, связанных с участниками судебного разбирательства за рубежом, выполнении международных поручений в короткие сроки, анализируются научные взгляды по теме и зарубежный опыт, а также предлагаются ряд рекомендаций и предложений.

Ключевые слова: видеоконференцсвязь, следственные действия, мера пресечения, доказательство, дознание, предварительное расследование, требования, онлайн-режим.

Fayzullaev Shavkat Fayzullaevich,

Independent researcher of the Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
E-mail: fayzullayevshavkat0@gmail.com

APPLICATION OF VIDEOCONFERENCING MODE IN PRE-TRIAL PROCEEDINGS

ANNOTATION

The article examines the concept of videoconferencing, its application features, legislation and law enforcement practice, advantages of its use in inquiry and preliminary investigation, possibilities of application in the use of detention as a preventive measure, the importance of videoconferencing in obtaining objective testimony, ensuring the safety of women and minor victims, the possibility of remote investigative measures related to participants in court proceedings abroad, and carrying out international assignments in a short time is shown, analyzes scientific views on the topic and foreign experience, and proposes a number of recommendations and suggestions.

Keywords: videoconferencing, investigative actions, preventive measure, evidence, inquiry, preliminary investigation, requirements, online mode.

Ҳар бир мустақил давлат ўз тараққиёт йўлини танлар экан унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Шу мақсадда муайян ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб олади. Мамлакатимизда ҳам суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар жадал суратларда олиб борилмоқда. Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармонида судлар ва тергов органлари фаолиятида амалга оширилаши лозим бўлган энг муҳим йўналишлар белгилаб берилди [1]. Фармонда белгиланган 84-мақсад судлар ва тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида 2 баробарга оширишни кўзда тутди. Ушбу мақсад рақамли технологиялар, хусусан, видеоконференцалоқа режимдан фойдаланиш орқали тергов ва суд жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган. Ушбу мақсадга эришиш тергов органлари ва судларда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, инфратузилмани мустаҳкамлаш ва рақамлаштириш тенденциясини оширишни талаб қилади. Ишни судга қадар юритиш босқичида видеоконференцалоқадан фойдаланишни такомиллаштириш ҳам бевосита мазкур стратегияда белгиланган мақсадлар ижросининг бир қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам ишни судга қадар юритиш босқичида масофавий тергов ҳаракатларини кенг жорий этиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Дастлаб, Ўзбекистонда иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида видеоконференцалоқадан фойдаланиш амалиёти бирмунча олдинроқ бошланган бўлса, 2018 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-476-сон [2] Қонуни билан биринчи мартаба жиноят-процессуал қонунчилигига видеоконференцалоқадан фойдаланиш институти киритилди. Сўнг 2019 йил 23 май кунидаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини

таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-542-сон Қонуни [3] билан мутлақо янги – тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тартиби қонунчиликка киритилди. Вақт ўтиши билан ишни судга қадар юритиш босқичида видеоконференцалоқа режимида фойдаланиш институтнинг амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ айрим муаммолар кузатилди. Мамлакатимиз қонунчилигида видеоконференцалоқа режими жорий этилганлигига қарийб 5 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлсада 2019-2023-йиллар мобайнида бор йўғи 40 га яқин процессуал ҳаракатларда видеоконференцалоқа режимида фойдаланилган. Жумладан, ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, иштирок этган суриштирувчи ва терговчиларнинг 64 фоизи фаолиятида бирор маротаба ҳам видеоконференцалоқа режимида фойдаланмаганлигини тасдиқлаган.

Шунингдек, тадқиқот давомида ўрганилган жиноят иши материалларида жами 28 фоиз шахсга, шу жумладан барча айбланувчиларга нисбатан қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини масофадан туриб видеоконференцалоқа режимида танлашга эҳтиёж бўлганлиги маълум бўлди.

Ўрганишлар доирасида ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш режимини суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан оммалашмаслиги ва кам миқдорда фойдаланилишига сабаб сифатида қуйидаги омилларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

1) Видеоконференцалоқа тушунчасига аниқ таъриф ишлаб чиқилмаганлиги – албатта бу омил, моддий ҳуқуқ нормалар талаблари жиҳатидан муҳим ҳисобланмасада ушбу институтнинг моҳияти, вазифаси ва аҳамиятини тушуниш учун назарий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

2) Видеоконференцалоқани қўллашда минимум талабларнинг мавжудлиги – Ўзбекистон ЖПКнинг 91¹-моддасининг 3-қисмида қатъий қилиб, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналарга қўйиладиган талаблар сифатида тасвир сифати бўйича - ўлчами 1920×1080, секундига 50 та кадр, овоз сифати бўйича - частота [4] диапазони [5] 100-12000 Гц, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича - VPN ҳимояланган алоқа каналидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак [6]. Аммо ушбу талаб тўлиқ таъминланиши учун аввало фойдаланувчи ходимлар стандарт ускуналар билан таъминланиши зарур. Ўтказилган сўрономага кўра, иштирок этган респондентларнинг 40 фоизи жиноят ишини юритишга масъул давлат (тергов) органида видеоконференцалоқа режимида фойдаланиш имконияти (қурилмаси) мавжуд эмаслигини билдиришган. Мазкур масалада С.С.Орипов ҳам фикр билдириб, ушбу минимум талаблар бугунги кун техникаси учун максимал талаблар бўлиб, ташкилий имкониятларга номувофиқ ҳисобланишини қайд этган [7]. Бу каби минимум талаблар Озарбайжон (52-2.7-модда) [8], Беларус (224¹-модда) [9], Грузия (243-модда) [10], Қозоғистон (126-модда) [11], Қирғиз Республикаси (94-модда) [12], Латвия (140-модда) [13], Россия [14], Тожикистон (23-м) [15], Туркманистон (252¹-модда) [16], Украина [17], Эстония (69-модда) [18] каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида масофавий тергов ҳаракатининг ўтказиш тартиби акс этган бўлсада, унда ишни олиб бораётган шахс, агар техник имкониятлар мавжуд бўлса масофавий тергов ҳаракатлари ўтказилиши кераклиги ҳақида қоидалар киритилган. Аммо тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш учун минимум талаблар назарда тутилмаган.

3) Қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чоралари масофадан туриб танлаш ҳамда узайтириш қонунчилигимизда мустаҳкамланмаганлиги – қайд этиш жоизки, маъмурий материаллар бўйича иш юритиш Президент қарорига [19] асосан тўлиқ онлайн (масофавий) суд жараёнларига ўтказилди [20]. Бу эса ҳар бир маъмурий материал юзасидан профилактика (катта) инспекторларининг хизмат хонасидан онлайн суд ўтказиш имконини беради. Аммо бу тартиб, жиноят ишларини юритишда бироз чекланган. Мисол учун тадқиқот давомида ўрганилган 1000 га яқин жиноят ишларидаги барча айбланувчиларга нисбатан қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини масофадан видеоконференцалоқа режимида танлашга эҳтиёж бўлганлиги аниқланди.

Бирок, қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини танлаш вақтида суд томонидан мазкур шахснинг айблилиги масаласи ҳал қилинмайди. Судья ва гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг юзма-юз кўришиб қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш - фақатгина харажатларни оширувчи ва ички ишлар органлари конвой хизмати ходимларининг иш самарадорлигига салбий таъсир қилувчи омил саналади.

Хусусан, 2021 йил 4 ойида жами 35 076 нафар шахсларни тергов ва суд органларига конвой қилиш учун махсус автомашиналарда 325 117 км. йўл босиб ўтилган бўлиб, ўрта ҳисобда 70 минг литр ёқилғи-мой маҳсулотлари сарфланган [21].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 16-сон қарори 18-банди 3-хатбошисида “Суд гумон қилинувчи, айбланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги масаласи муҳокамасига кирмаган ҳолда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилади” [22] деб кўрсатилган. Бу қоида амалиётда ҳам бевосита қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, 2025 йил 13 январь кунидан Республика судлари томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси билан боғлиқ барча ҳужжатларни (санкция пакети) “Электрон жиной-хуқуқий статистика” ягона ахборот тизими орқали тегишли судга юборилиши ҳамда суд ажрими ҳам айнан шу тизим орқали электрон равишда олиш тартиби амалиётга жорий этилди [23].

Ўрганишлар давомида айнан қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чораларини видеоконференцалоқа режимида масофадан туриб танлаш амалиёти жорий этилиши натижасида амалдаги конвой харажатлари 53,2 фоизгача камайтириш мумкинлиги ҳақида асосли хулосага келинди.

Қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чораларини масофадан танлаш, бизнингча молиявий томондан бир мартаба қилинган сарф харажат доимий равишда конвой хизмати томонидан қилинадиган харажатларни ва гумон қилинувчиларни сақлаш, улар қочиб кетган тақдирда қидириш билан боғлиқ қўшимча харажатларни ҳам камайтиришга хизмат қилади. Бу борада, В.М.Гарманов ва Р.Д.Каримов ушбу соҳага видеоконференцалоқа режимини жорий этиш бўйича таклифларни илгари суришиб, қўшимча тегишли усқуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш учун молиявий харажатлар бир марталик хусусиятга эга эканлиги, аммо унинг жорий этилиши натижасида гумон қилинувчи ва айбланувчиларни кузатиб бориш ва сақлашга сарфланган харажат эса давомли хусусиятга эгаллигини таъкидлашади [24]. Мазкур фикрнинг асослилиги шундаки, қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини танлаш вақтида суд айблилиқ масаласини ҳал қилмайди ва ёпиқ суд мажлиси бўлиб ўтади [25]. Чунки эҳтиёт чораси гумон қилинувчини (айбланувчини), суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш, унинг бундан кийинги жиной фаолиятига чек қўйиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади [26].

Бу масалада А.А.Ҳайдаровнинг қарашларига кўра, суд фаолиятидаги ошкоралик бу ҳақда кенг қамровли маълумотни англатади ва суд жараёнида видеоконференцалоқа режимдан фойдаланиш ошкоралик ва шаффофлик каби принципларга зид ҳисобланмайди [27]. Ушбу масалада адвокатлар ҳам ижобий фикр билдириб, адвокат А.Абдуллаевнинг [28] фикрига кўра, судлар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда айбловни муҳокама қилиш ваколатига эга ҳисобланмайди. Ф.Ф.Зарипов эса суриштирув ва тергов жараёнида видеоконференцалоқадан фойдаланиш тўлиқ процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланишини қайд этган [29]. Е.Т.Демидова [30] суд ҳар қандай босқичда, жумладан қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини танлаш вақтида ҳам процесс иштирокчиларини видеоконференцалоқа режимида иштирок этишини таъминлаши лозим деб ҳисоблайди. Германия қонунчилиги бўйича адвокатларга ишхонасидан туриб жазони ижро этиш муассасасидаги мижози билан видеоконференцалоқа режимида мулоқот қилиш имкони берилган [31].

Жаҳон тарихида суд томонидан масофадан туриб қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини танлаш амалиёти бошланганига қарийб 20 йилдан ошди. Жумладан, 2010 йил Екатеринбург шаҳар вақтинча сақлаш изолаторида 2 та хона айнан судлар томонидан масофавий режимда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун жиҳозланган. Мазкур режим орқали суд томонидан судда бевосита гумон қилинувчи ёки айбланувчининг иштирокисиз эҳтиёт чораси танланган ва апелляция шикоятни кўрила бошлаган.

2022 йилда Россияда 350 мингдан ортиқ худди шундай суд жараёнлари видеоконференцалоқа режимида ўтказилган [32]. Аммо мазкур давлатда ҳам ушбу режим тўлиқ жорий этилмаган ҳудудлар ҳозирга қадар мавжуд. Мисол учун Россия Федерациясининг Чукотка ҳудудида конвой тадбирлари учун ҳар йили 19 033 291 рубль (3 млрд сўм) маблағ сарфланади [33].

2022 йил 29 декабрь куни “Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 610-сонли Қонун қабул қилинди [34]. Мазкур қонунга кўра, РФ ЖПКнинг 108-моддаси (қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш) 4-қисмига ўзгартириш киритилиб, ушлаб турилган гумон қилинувчи суд мажлисига олиб келинади, агар унинг суд мажлисида бевосита иштирок этишига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлса ва суд гумон қилинувчининг суд мажлисида видеоконференцалоқа режими ёрдамида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги ҳақида қоидалар киритилди. Россияда бундан 2 йил аввал 688 маротаба, ўтган йили эса 9 636 маротаба судлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ва уни узайтириш билан боғлиқ масалалар видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқилган [35]. Бу статистик маълумотлар мазкур амалиёт ўзини оқлаганлигидан далолат беради.

Суд-ҳуқуқ тизими ривожланган давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш натижасида бизнингча, ишни судга қадар юритиш босқичида қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш ва ушбу эҳтиёт чораларини қўллаш муддатини узайтириш масалалари суд томонидан видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқилиши гумон қилинувчи ёки айбланувчини судда бевосита иштирок этиши билан тенг аҳамиятга эга. Ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентларнинг 62 фоизи масофадан туриб, қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини видеоконференцалоқа режимида танлаш тартибини ЖПКга киритиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаган.

Бугунги дунё тажрибасида шахснинг жиноят содир этганлигини исботлаш борасида замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб келинмоқда. Бу борада Ғарб, АҚШ ва Узоқ шарқ давлатлари етакчилик қилмоқда [36]. 2024 йил 12 ойи ҳолатига кўра, АҚШнинг Пенсильвания штатида ойига ўртача 15 700 маротаба исботлаш жараёни видеоконференцалоқа режими орқали ўтказилиб, йиллик 21 миллион долларгача транспорт харажатлари тежалган [37]. Мазкур амалиёт Мичиган штатида давлат бюджетининг 5 миллион долларгача маблағларини тежаб қолишга имкон беради. Нью-Йорк штатида ушланган айбланувчиларнинг 69 фоизи видеоконференцалоқа орқали исботлаш жараёнига қатнашади [38]. АҚШ суд муҳокамаларининг 77 фоизи видеоконференцалоқа режимида ўтказилмоқда [39]. 50 фоиз полиция ходимлари ҳар куни видеоконференцалоқа режимдан фойдаланса, айнан видеоконференцалоқа режими қўлланилиши натижасида хизмат сафарлари 60 фоизга қисқаришига эришилган [40]. Шунингдек, видеоконференцалоқа режимини қўллаш кўламининг кенгайиши АҚШда жами процессуал чиқимларнинг 30 фоизгача камайтириш имконини берди [41].

Японияда 2025 йил май ойи ҳолатига кўра, исботлаш жараёнида видеоконференцалоқа режими қўлланилиш кўрсаткичи прокуратура тизимида 94 фоиз, полиция тизимида эса 26 фоиз ҳолатда амалга оширилмоқда [42].

Ҳиндистонда тиббиёт муассасаларига видеоконференцалоқа курилмаси ўрнатилиши натижасида тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳлик бериш тизими жорий этилиб, ҳар бир гувоҳлик учун ўртача 2620 рупий ёки 35 доллар тежалмоқда [43].

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида жиноят ишларида видеоконференцалоқа режимини кенгайтириш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ва амалий тажрибалар олиб

борилмоқда. Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- тергов жараёни самарадорлигини ошириш;
- видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари доирасини кенгайтириш;
- процессуал чиқимларни камайтириш;
- процесс иштирокчиларининг хавфсизликни таъминлаш ва сарсонгарчиликларни камайтириш;
- қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чораларини масофадан туриб танлаш;
- аёллар ва вояга етмаган жабрланувчилар хавфсизлигини ишончли таъминлаб, объектив кўрсатувлар олиш;
- хорижда бўлган процесс иштирокчилари билан боғлиқ тергов ҳаракатларини масофадан туриб ўтказиш;
- халқаро топшириқларни қисқа муддатда ижро этиш каби имкониятлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Назарий жиҳатдан, видеоконференцалоқанинг тор ва кенг маънолардаги таърифи ишлаб чиқилиб, Тор маънода, видеоконференцалоқа - бу жиноят иши доирасида фойдаланувчиларнинг реал вақт режимида ўзаро маълумот алмашишни таъминлайдиган технология ҳисобланади;

Кенг маънода, видеоконференцалоқа - бу терговчи ёки суриштирувчи, прокурор ёхуд суд томонидан жиноят иши доирасида қўлланиладиган, далилларни тўплаш ёки баҳо бериш юзасидан реал вақт режимида ўзаро маълумот алмашишини таъминлашга, вақтни ҳамда ортиқча ҳаражатларни тежашга, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек конвой қилинаётган кўриқлов остидаги шахсларнинг қочиб кетишини олдини олишга хизмат қиладиган замонавий процессуал ҳаракатларни ўтказиш режимидир.

Озарбайжон (52-2.7-модда) [44], Беларус (224¹-модда) [45], Грузия (243-модда) [46], Қозоғистон (126-модда) [47], Қирғиз Республикаси (94-модда) [48], Латвия (140-модда) [49], Россия [50], Тожикистон (23-м) [51], Туркменистон (252¹-модда) [52], Украина [53], Эстония (69-модда) [54] ва бошқа давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш учун минимум талаблар мавжуд бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси 91¹-моддасининг 3-қисмидаги минимум талабларни “Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар тергов ҳаракати мақсадига эришиш учун старли бўлиши керак” деб ўзгартирилиши таклиф этилади.

Натижада эса масофадан туриб, тергов ҳаракатларини ўтказиш механизми соддалашади ҳамда номақбул далил йиғиш эҳтимоллари камаяди.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам масофадан туриб, видеоконференцалоқа режимида қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси суд томонидан танлаш амалиётини жорий этиш зарур деган хулосага келинади.

Шу асосда ўрганишлар доирасида дастлабки тергов, суриштирув ва суд идоралари ҳамда тергов ҳибсхоналарининг бугунги имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда таклифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, Ўзбекистон ЖПКнинг 243-моддаси 7-қисмидаги “мумкин” сўзларидан кийин “агар техник имконият мавжуд бўлса қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан суд мажлисига гумон қилинувчи ёки айбланувчи видеоконференцалоқа режими орқали иштирок этиши мумкин. Бунда суд алоқанинг техник каналлари орқали гумон қилинувчи ёки айбланувчи сақланаётган муассаса маъмуриятига ушбу кодекснинг 91³-моддаси тартибида топшириқ юборади”

Ўйлаймизки, юқоридаги таклифлар қонунчилигимизга киритилиши натижасида мавжуд бўшлиқлар бартараф этилиб, мазкур институтнинг самарали ишлашига хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-158 dated September 11, 2023 on the Strategy "Uzbekistan - 2030"). <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. 2018 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-476-сон Қонуни. (Law No. 476 of April 18, 2018 "on amendments and additions to certain legislation of the Republic of Uzbekistan") <https://lex.uz/uz/docs/3689258>
3. 2019 йил 23 май кундаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-542-сон Қонуни. (Law of the Republic of Uzbekistan dated May 23, 2019 No. 542-Z “On Amendments and Additions to Certain Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan”) <https://lex.uz/uz/docs/4349703>
4. Частота – русча -частый – бирин-кетиш тез алмашинувчи, муайян вақт оралиғида тез такрорланувчи (ҳаракат, ҳолат, вақт, ҳодиса). Физикада маълум вақт ичида такрарланган ҳаракат ёки тебранишлар сони. Тебранишлар частотаси. – Ўзбек тилининг изоҳли луғоти. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент миллий нашриёти.: Т-2019.Б-463 (Frequency – from Russian “частый” – refers to something that alternates rapidly or repeats frequently within a specific period of time (an action, state, time, or event). In physics, it denotes the number of repeated motions or oscillations within a given time interval — the frequency of oscillations. — Explanatory Dictionary of the Uzbek Language, edited by A. Madvaliyev, Tashkent National Publishing House.) https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Ch.pdf
5. Диапазон – юнонча Чордон. Бирор чолғу асбоби ёки ашулачи овозининг энг паст ва энг юқори чегара орасидаги товушлар мажмуи. – Ўзбек тилининг изоҳли луғоти. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент миллий нашриёти.:Т-2019. Б-605. (Range – from the Greek “chordon.” It refers to the set of sounds between the lowest and highest limits of a musical instrument or a singer’s voice. — Explanatory Dictionary of the Uzbek Language, edited by A. Madvaliyev, Tashkent National Publishing House) <http://library.navoiy-uni.uz/files/o%60zbek%20tilining%20izohli%20lug%60ati.pdf>
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan)lex.uz
7. С.С.Орипов - Ишни судга қадар юритиш босқичида ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш. Дисс.PhD.Б-90. Т.,2023 й (S. S. Oripov – Improving the Use of Information Technologies at the Pre-Trial Stage of Criminal Proceedings. PhD Dissertation)
8. Code of Criminal Procedure of the Azerbaijan Republic Adopted on 14 July 2000. <https://migration.gov.az/content/pdf/bcd9d6936d940a5d8be5672d0b6de90e.pdf>
9. Крымінальна-Працэсуальны Кодэкс Рэспублікі Беларусь 16 ліпеня 1999 г. № 295-3. (Criminal Procedure Code of the Republic of Belarus, July 16, 1999, No. 295-Z). <https://ssrlab.by/9258>
10. Criminal procedure code of Georgia. <https://matsne.gov.ge/en/document/download/90034/151/en/pdf>
11. УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.01.2023 г.). (Criminal Procedure Code of the Republic of Kazakhstan (as amended and supplemented as of January 12, 2023) Законодательной базы данных. https://sherloc.unodc.org/cld//legislation/kaz/criminal_procedure_code_of_the_republic_of_kazakhstan/chapter_56/article_537-541/chapter_56.html?lng=ru&tmpl=sherloc

12. CODE OF PENAL PROCEDURE OF THE KYRGYZ REPUBLIC of October 28, 2021 No. 129 (as amended on 30-03-2023). (Criminal Procedure Code of the Kyrgyz Republic, adopted on October 28, 2021, No. 129 (as amended on March 30, 2023) Законодательной базы данных. <https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=136101>
13. WIPO Lex, LATVIA, CRIMINAL PROCEDURE LAW (as amended up to March 6, 2021). Законодательной базы данных. [https://Kriminālprocesa_likums_\(likumi.lv\)](https://Kriminālprocesa_likums_(likumi.lv))
14. CRIMINAL-PROCEDURAL CODE OF THE RUSSIAN FEDERATION NO. 174-FZ OF DECEMBER 18, 2001. (with amendments and additions as of 11.01.2023) <https://docs.wto.org/dol2fe/Pages/SS/directdoc.aspx?filename=T:/IP/N/1RUSE6-02.pdf&Open=True>
15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.12.2022 г.) (Criminal Procedure Code of the Republic of Tajikistan dated December 3, 2009 (as amended and supplemented as of December 24, 2022).). https://continent-online.com/Document/?doc_id=30594304
16. CODE OF PENAL PROCEDURE OF TURKMENISTAN of April 18, 2009 (as amended on 20-11-2022) (Criminal Procedure Code of Turkmenistan, adopted on April 18, 2009 (as amended on November 20, 2022). <https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=27706>
17. CRIMINAL PROCEDURE CODE OF UKRAINE. (мурожаат вақти 26.04.2023 йил). <https://rm.coe.int/16802f6016>
18. Code of Criminal Procedure of the Republic of Estonia, Passed 12.02.2003, RT I 2003, 27, 166, Entry into force 01.07.2004. <https://www.riigiteataja.ee/en/eli/ee/Riigikogu/act/504042023004/consolide>
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PQ-5050 “On Additional Organizational Measures to Further Improve the Activities of Internal Affairs Bodies in Ensuring Public Safety and Combating Crime”) <https://lex.uz/ru/docs/5353841>
20. Хоразм вилояти ИИБнинг 2024 йил 12 февралдаги 19/45-сонли хати (Letter No. 19/45 of the Khorezm Regional Department of Internal Affairs dated February 12, 2024)
21. Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳисоботларидан (From the reports of the Public Security Department of the Ministry of Internal Affairs)
22. Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 16-сон қарори. (Resolution No. 16 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated November 14, 2007, “On the Application by Courts of Detention as a Preventive Measure at the Pre-Trial Stage”) <https://lex.uz/docs/1595235>
23. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 9 январь кунидаги 10-05/25-353-сонли хати (Letter No. 10-05/25-353 of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated January 9, 2025)
24. Гарманов В.М., Каримов Р.Д. О перспективах использования системы видеоконференцсвязи в деятельности изоляторов временного содержания подозреваемых и обвиняемых органов внутренних дел Российской Федерации // Вестник Тюменского института повышения квалификации сотрудников МВД России. 2017. N 1 (8). С. 60-66. (Garmanov V. M., Karimov R. D. On the Prospects of Using the Video Conferencing System in the Activities of Temporary Detention Facilities for Suspects and Accused Persons of the Internal Affairs Bodies of the Russian Federation // Bulletin of the Tyumen Institute for Advanced Training of Employees of the Ministry of Internal Affairs of Russia) <https://ebin.pub/b0ebc3b068f98f69f890b3cbefd9e547.html>.
25. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan) <https://lex.uz/acts/111460>

- 26.** Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Олий суд, ИИБ, МХХнинг “Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида”ги 17.08.2010 йилдаги 12ф,110-10,2,ук-5-сонли Қўшма кўрсатмаси (Joint Instruction No. 12f, 110-10, 2, uk-5 of the Prosecutor General’s Office, the Supreme Court, the Ministry of Internal Affairs, and the National Security Service of the Republic of Uzbekistan dated August 17, 2010, “On Further Strengthening the Protection of Citizens’ Rights and Freedoms When Applying Detention as a Preventive Measure and Imposing Punishments Related to Deprivation of Liberty)
- 27.** Хайдаров А.А. Об участии подсудимого, содержащегося под стражей, в процессуальных действиях в судебном заседании с использованием систем видеоконференц-связи // Российский следователь. 2014. N 19. С. 21-24. (Khaydarov A. A. On the Participation of a Defendant Held in Custody in Procedural Actions During a Court Hearing Using Video Conferencing Systems // Russian Investigator)
- 28.** Абдумалик Абдуллаев. Иқроқлик кўрсатуви олишга эришиш методи. (Abdumalik Abdullaev. The Method of Obtaining a Confession Statement) t.me/Advokat_Abdullayev (https://t.me/Advokat_Abdullayev). @Advokat_Abdullayev телеграм канали.
- 29.** Зарипов Фанис Фаварисович. реализация принципа обеспечения безопасности участников уголовного судопроизводства в условиях современной российской уголовно-процессуальной политики // дисс. кон. наук. Саратов – 2021. С- 4. (Zaripov Fanis Favarisovich. Implementation of the Principle of Ensuring the Security of Participants in Criminal Proceedings within the Framework of Modern Russian Criminal Procedure Policy // PhD Dissertation. Saratov, 2021. p. 4.)
- 30.** Демидова Елена Тимофеевна. Теоретические и практические проблемы надзорного производства по уголовным делам. Дисс. к.ю.н. Саратов-2006. С-19. (Demidova Elena Timofeevna. Theoretical and Practical Problems of Supervisory Proceedings in Criminal Cases. PhD Dissertation in Law. Saratov, 2006. p. 19) <https://www.dissercat.com/content/teoreticheskie-i-prakticheskie-problemy-nadzornogo-proizvodstva-po-ugolovnym-delam>
- 31.** Enhancing the Right of Access to a Lawyer for Detained Suspects and Accused Persons via Videoconferencing. https://eucrim.eu/articles/enhancing-the-right-of-access-to-a-lawyer-for-detained-suspects-and-accused-persons-via-videoconferencing/?utm_source=chatgpt.com
- 32.** В 2022 году суды провели более 350 000 заседаний по видеоконференции. (In 2022, the courts held more than 350,000 hearings videoconferencing) <https://pravo.ru/news/243023/>
- 33.** С.С.Чернова. Проблемы законодательного регулирования использования видеоконференц-связи при рассмотрении судом вопросов, связанных с применением меры пресечения в виде заключения под стражу. //Юридическая наука и правоохранительная практика 4 (42) 2017. Б-141. (S. S. Chernova. Problems of Legislative Regulation of the Use of Video Conferencing in the Consideration by the Court of Issues Related to the Application of Detention as a Preventive Measure. // Legal Science and Law Enforcement Practice, No. 4 (42), 2017, p. 141) file:///C:/Users/hp/Downloads/problemy-zakonodatelnogo-regulirovaniya-ispolzovaniya-videokonferents-svyazi-pri-rassmotrenii-sudom-voprosov-svyazannyh-s-primeneniem-mery-presecheniya-v-vide-zaklyucheniya-pod-strazhu.pdf
- 34.** Федеральный закон Российская Федерация “О внесении изменений Уголовно-процессуальной Кодекс Российской Федерации” от 29 декабря 2022 г. № 610 ФЗ. (Federal Law of the Russian Federation “On Amendments to the Criminal Procedure Code of the Russian Federation” dated December 29, 2022, No. 610-FZ.) <http://publication.pravo.gov.ru/Document/View/0001202212290106?index=9&rangeSize=1>.
- 35.** О. П. Александрова. Использование возможностей систем видеоконференц-связи на стадии предварительного расследования преступлений в уголовном судопроизводстве России и некоторых зарубежных стран// Доклады участников конференции. Псковский государственный университет. 2024.С-50 // (O. P. Alexandrova. The Use of Video Conferencing Systems at the Stage of Preliminary Investigation of Crimes in the Criminal Proceedings of Russia and Some Foreign Countries. // Conference Proceedings, Pskov State University, 2024, p. 50) <https://elib.psu.by/bitstream/123456789/33429/1/49-54.pdf>

36. С.С.Орипов - Ишни судга қадар юритиш босқичида ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш. Дисс.PhD.Б-23. Т.,2023 й (S. S. Oripov. Improving the Use of Information Technologies at the Pre-Trial Stage of Criminal Proceedings. PhD Dissertation. Tashkent, 2023, p. 23)
37. Courts expand use of video conferencing saving 21 million annually in defendant transportation costs. https://statetechmagazine.com/article/2019/01/state-and-local-court-systems-adopt-videoconferencing-save-time-and-money?utm_source=chatgpt.com
38. State and Local court systems. Adopt videoconferencing to save. Time and money. https://statetechmagazine.com/article/2019/01/state-and-local-court-systems-adopt-videoconferencing-save-time-and-money?utm_source=chatgpt.com
39. https://worldmetrics.org/technology-in-criminal-justice-statistics/?utm_source=chatgpt.com
40. 3 reasons videoconferencing can save your agency money and hassle. https://www.police1.com/police-products/police-technology/police-software/articles/3-reasons-videoconferencing-can-save-your-agency-money-and-hassle-07j4ulJR8xUDhZD1/?utm_source=chatgpt.com
41. Video Conferencing Statistics. https://gitnux.org/video-conferencing-statistics/?utm_source=chatgpt.com
42. Criminal justice system of Japan. https://en.wikipedia.org/wiki/Criminal_justice_system_of_Japan?utm_source=chatgpt.com
43. Court evidence via video conferencing by doctors: Savings of time, money and energy. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34213451/>
44. Code of Criminal Procedure of the Azerbaijan Republic Adopted on 14 July 2000. <https://migration.gov.az/content/pdf/bcd6d6936d940a5d8be5672d0b6de90e.pdf>
45. Крымінальна-Працэсуальны Кодэкс Рэспублікі Беларусь 16 ліпеня 1999 г. № 295-3. (Criminal Procedure Code of the Republic of Belarus, July 16, 1999, No. 295-Z). <https://ssrlab.by/9258>
46. CRIMINAL PROCEDURE CODE OF GEORGIA. <https://matsne.gov.ge/en/document/download/90034/151/en/pdf>
47. УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.01.2023 г) (Criminal Procedure Code of the Republic of Kazakhstan (as amended and supplemented as of January 12, 2023) Законодательной базы данных. https://sherloc.unodc.org/cld//legislation/kaz/criminal_procedure_code_of_the_republic_of_kazakhstan/chapter_56/article_537-541/chapter_56.html?lng=ru&tmpl=sherloc
48. CODE OF PENAL PROCEDURE OF THE KYRGYZ REPUBLIC of October 28, 2021 No. 129 (as amended on 30-03-2023). Законодательной базы данных. <https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=136101>
49. WIPO Lex, LATVIA, CRIMINAL PROCEDURE LAW (as amended up to March 6, 2021). Законодательной базы данных. [https://Kriminalprocesa_likums_\(likumi.lv\)](https://Kriminalprocesa_likums_(likumi.lv))
50. CRIMINAL-PROCEDURAL CODE OF THE RUSSIAN FEDERATION NO. 174-FZ OF DECEMBER 18, 2001. (with amendments and additions as of 11.01.2023) <https://docs.wto.org/dol2fe/Pages/SS/directdoc.aspx?filename=T:IP/N/1RUSE6-02.pdf&Open=True>
51. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.12.2022 г.) (Criminal Procedure Code of the Republic of Tajikistan dated December 3, 2009 (as amended and supplemented as of December 24, 2022). https://continent-online.com/Document/?doc_id=30594304
52. CODE OF PENAL PROCEDURE OF TURKMENISTAN of April 18, 2009 (as amended on 20-11-2022) <https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=27706>
53. CRIMINAL PROCEDURE CODE OF UKRAINE. <https://rm.coe.int/16802f6016>
54. Code of Criminal Procedure of the Republic of Estonia, Passed 12.02.2003, RT I 2003, 27, 166, Entry into force 01.07.2004. <https://www.riigiteataja.ee/en/eli/ee/Riigikogu/act/504042023004/consolide>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000